

3/2023,
may-iyun
(№ 00065)



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Иргашева Гулбахор Содиковна

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.
Тошкент, Ўзбекистон. irgashevagulbahor77@gmail.com*

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-0955-664X>

Зайниддинов Руҳиддин Хусниддин ўғли

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.
Тошкент, Ўзбекистон. zayniddinovrukhiddin@gmail.com*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i9

Аннотация

Мазкур мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларига ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари, жумладан, исломий инвестициялар орқали инвестиция оқимларини оширишдаги имкониятлари ҳамда ушбу амалиётни кенг жорий қилиш йўлидаги муаммоларни ўрганишдан иборат. Хусусан, мақолада ислом иқтисодиётининг моҳияти, илмий қарашлар, исломий инвестицияларнинг хусусиятлари, Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларига исломий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати таҳлили, ушбу йўналишдаги муаммолар тадқиқ қилинган ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида мамлакатга исломий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўналишлари бўйича илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлари. Ислом иқтисодиёти, исломий инвестиция, меъёрий-ҳуқуқий база, Ўзбекистон, ИТБ, ХСРИК, инвестиция лойиҳалари, PESTEL таҳлил

ВОЗМОЖНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ НА ПРИНЦИПАХ ИСЛАМСКОЙ ЭКОНОМИКИ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

Иргашева Гулбахор Содиковна

*Докторант (PhD) Ташкентского государственного экономического университета.
Ташкент, Узбекистан.*

Зайниддинов Руҳиддин Хусниддин ўғли

*Докторант (PhD) Ташкентского государственного экономического университета.
Ташкент, Узбекистан.*

Аннотация

Основной целью данной статьи является изучение возможностей привлечения инвестиций на основе принципов исламской экономики в инвестиционные проекты в Узбекистане, в том числе изучение возможностей увеличения инвестиционных потоков за счет исламских инвестиций, а также проблемы широкого внедрения данной практики. В частности, изучена сущность исламской экономики, научные взгляды, особенности исламских инвестиций. Кроме того,

исследована ситуация с привлечением исламских инвестиций в инвестиционные проекты в Узбекистане и проблемы при этом. Наконец, даны научные рекомендации по привлечению исламских инвестиций на основе передового зарубежного опыта в Узбекистан.

Ключевые слова. Исламская экономика, исламские инвестиции, нормативно-правовая база, Узбекистан, ИБР, ИКР, инвестиционные проекты, анализ PESTEL

OPPORTUNITIES TO ATTRACT INVESTMENTS BASED ON THE PRINCIPLES OF ISLAMIC ECONOMICS TO THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Irgasheva Gulbakhor Sodikovna

Doctoral student (PhD) at Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Zayniddinov Rukhiddin Khusniddin ugli

Doctoral student (PhD) at Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The primary purpose of this article is to study the possibilities of attracting investments based on the principles of Islamic economics to investment projects in Uzbekistan, including learning the opportunities of increasing investment flows through Islamic investments, as well as the problems of wide implementation of this practice. In particular, the essence of the Islamic economy, scientific views, and characteristics of Islamic investments have been studied. Moreover, the situation of attracting Islamic investments to investment projects in Uzbekistan and the problems in this have been researched. Finally, scientific recommendations for attracting Islamic investments based on advanced foreign experiences to Uzbekistan have been given.

Keywords. Islamic economy, Islamic investment, regulatory framework, Uzbekistan, IsDB, ICD, investment projects, PESTEL analysis

Кириш

Жаҳон амалиётдан маълумки, ҳар қандай мамлакат ўз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан туриб тараққий эта олмайди. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, асосий фондларни янгилаш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, замонавий техника-технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш хорижий инвестициялар орқали таъминланади.

Сўнги йилларда, Ўзбекистонда ушбу йўналишда бир қанча ислохотлар амалга оширилишига қарамасдан хорижий инвесторларни жалб қилишнинг паст рейтинги сақланиб қолмоқда ва киритилаётган сармоялар миқдори ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишни такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим. Шу боисдан ҳам нафақат ички, балки хорижий инвестицияларни самарали жалб қилиш ва бу соҳани диверсификациялаш букунги куннинг долзарб масаласидир. Мазкур йўналишда нафақат мусулмон мамлакатларида балки мусулмон бўлмаган малакатларда ҳам кенг ривожланиб бораётган ислом иқтисодиёти тамойиллари асосидаги инвестицияларни жалб қилиш инвестициялар оқимини ошишига олиб келади.

Жаҳонда ислом молия тизими жадал суръатларда ривожланиб бораётган ва ишончли, инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамланган соҳалардан бири ҳисобланиб, 2022 йил якунлари бўйича ушбу тармоғнинг ялпи активлари миқдори

4 триллион АҚШ долларини ташкил этди ва йилига ўртача 15-20 фоизга ўсиб бормоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ИХТТИФ кенгаши 43-сессияси очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади”, – дея таъкидлаб ўтган эди [2]. Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистонга жалб қилиш мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини ошишига олиб келади. Бу эса ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги муаммоларни ўрганиш ва ушбу масалаларни бартараф этиш бўйича илмий ҳулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш илмий мақоламизни долзарблигини кўрсатиб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни мамлакатга жалб қилишни ўрганишга қаратилган бўлиб, ушбу тадқиқотимизни ислом иқтисодиёти ўзи нима, исломий инвестицияларнинг хусусиятлари ва олимларнинг бу йўналиш бўйича қарашлари, кимлар бу соҳада илмий ишларни олиб боришган, бизнинг илмий ишимизнинг ушбу олимлар илмий ишлари билан боғлиқлиги нималардан иборатлиги бўйича кетма-кетликда кўриб чиқамиз.

Замонавий глобаллашаётган дунёда муқобил иқтисодий моделларни, хусусан, ислом иқтисодиётини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Ислом иқтисодиётининг бир қисми бўлмиш ислом молияси тажрибаси дунёда иқтисодий ривожланишнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Ислом молияси ва ислом бизнес моделининг амалий қўлланилиши жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, шунинг учун ислом иқтисодиёти ва молия тизими ҳақидаги асосий билимлар кўплаб мутахассислар, молиячилар, тадқиқотчилар ва университет профессорларини жалб қилмоқда.

“Ислом иқтисодиёти” атамаси илк бор ҳиндистонлик мусулмон олими Сайид Маназир Филонийнинг 1947 йилда урду тилида чоп этилган “Ислом иқтисодиёти” китобида баён этилган. Филоний ислом дини талабларига мувофиқ келувчи мукамал иқтисодий модель ҳақида ёзган эди. Лекин, жаҳондаги дастлабки исломий молия муассасаларини ташкил этиш “Ислом иқтисодиёти” чоп этилишидан 15 йил ўтгачина амалга оширилди. “Ислом иқтисодиёти” атамасининг ўзи илмий доираларда фақат 1970 йилнинг ўрталарига келиб ишлатила бошланди [3].

“Ислом иқтисодиёти” бўйича ўз тадқиқотини олиб борган тадқиқотчи олим Мухаммад Умар Чапра ислом иқтисодиёти тушунчасини шундай таърифлаб беради: “Ислом иқтисодиёти – чекланган ресурсларни ислом дини таълимотига мувофиқ равишда тақсимлаш воситасида инсон фаровонлигига эришиш учун ёрдам берувчи билимлар мажмуаси бўлиб, бунда шахс эркинлиги ҳаддан ташқари чекланишига ҳамда давомий макроиқтисодий ва экологик номуносивликка йўл қўйилмайди” [3].

Россиялик тадқиқотчи А. Журавлёв ислом иқтисодиётини “жамият хўжалик фаолиятини ташкил этиш механизми ва тамойилларига муслмонларнинг қарашлари тизими” деб ҳисобласа, Р.Беккин эса “муслмон фикҳи тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ келувчи хўжалик тизими” сифатида тасвирлайди. Ўзбекистонлик олим Ж.Имомназаров эса, ислом иқтисодиётини моддий ва номоддий неъматлар (жумладан хизматлар) ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ислом дини талаблари асосида амалга оширишдир деб таъриф берган [4]. Шунингдек, ислом молия тизими тушунчаси мавжуд бўлиб, ушбу тизим ислом иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми саналиб, ислом маънавий-ахлоқий қадриятлари негизида қурилган бўлиб, ҳуқуқ тизими – шариатга асосланади.

Ислом молияси – ислом тамойили ва қоидаларига тўлиқ мос келувчи молиявий инструментлар ва қонуниятларни ўз ичига олган тизим. Ислом молиясига нисбатан XXI асрда қизиқиш юқори бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш борасидаги илмий фаолият кўпайиб бормоқда.

Консалтинг ва аудит хизматларини кўрсатувчи халқаро йирик тармоқ компанияси ҳисобланган “Делойт” (Deloitte Touche Tohmatsu Limited) таърифига кўра ислом молия тизими ўзига хос аралаш иқтисодий тизим бўлиб, унда молиявий трансакциялар адолат, фойда ва зарарга шериклик ҳамда ҳақиқий трансакцияларга [5] асосланган ахлоқий меъёрлар ва ислом ҳуқуқи (шариат)га мутаносиб равишда амалга оширилади [6].

Ислом молияси деганда шариат тамойиллари асосида амалга ошириладиган молиявий хизмат ёки маҳсулот тушунилади (Гаит ва Уортингтон, 2008) [7]. Левис ва Алгаоуд (2001) [8] ларнинг фикрларига кўра, ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд, яъни риба (фоиз), ҳаром (тақиқланган) ёки ҳалол (руҳсат этилган), ғарар (ноаниқлик) ёки майсир (қимор), закот ва шариат (ислом) кенгаши.

Ислом молиясидаги барча инструментлар ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ва унинг асосига қурилади [3].

Исломиё молиялаштириш механизми ёки усулларини икки гуруҳга ажратиш амалга киритилган:

1. Фойда ва зарарни тақсимлаш ёки молиялаштиришнинг инвестицион (музораба, мушорака) механизми асос бўлган усуллар;

2. Қарз олиш орқали молиялаштириш (муробаҳа, салам), шунингдек, истисноъ ва ижарага асосланган усуллар. Айрим мутахассислар қарз олишга асосланган молиялаштиришни ҳам истисноъ ва ижара усуллари сафига қўшадилар, рус олими Р.И. Бекиннинг фикрига кўра, бу ёндашув тўғри эмас, чунки мазкур (истисноъ ва ижара) шартномалар бўйича томонларнинг муносабати қарз мажбуриятларининг вужудга келишига олиб келмайди.


Исломиё инвестиция бу маблағларни шариатга мувофиқ шартномалар, воситалар ва инвестиция усуллари орқали жойлаштириш бўлиб, у фоизга асосланган инвестицияларни рад этади.

Исломиё инвестициялар, исломиё молия тамойилларига асосланади, бу эса инвесторларнинг молиявий эҳтиёжларини ҳалоллик, адолатли ва ишончли тақсимланишини таъминлашга қаратилган. Исломиё инвестициялар нафақат диний инвестиция сифатида, балки ижтимоий жиҳатдан мақбул бўлган реал иқтисодий фаолиятни рағбатлантирадиган инвестицияларнинг ахлоқий шакли сифатида ҳам қаралади. Ушбу инвестиция ёндашувининг соф самараси рақобатбардош инвестиция даромадларини яратиш ва ахлоқий бизнес амалиётларини рағбатлантиришдир.

Бундан ташқари, мамлакатда лойиҳаларни ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестициялашни ташкил этиш ҳамда уни самарали тарзда юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи олимлар Муҳаммад Тақи Усманий, Ледий Маҳара Гинтинг, Нафисаҳ Руҳана, Маризаҳ Минҳат, Муҳаммад Жамал Ҳаидер, Мариатул Аида Жаффар, Росидаҳ Муса [9] томонидан тадқиқот олиб борилган. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимларидан О.Трофимова, И.А.Зарипов, В.Антропов, С.Мокина ва И.Беккин [10] каби олимларнинг илмий ишларида ислом иқтисодиёти ва исломий инвестициялар бўйича масалалар атрофлича ёритилган. Бундан ташқари, ўзбек олим ва тадқиқотчилардан Х.Хасанов, Ж.Имамназаров, С.З.Аброров, А.Турсунов ва Р.Х. Зайниддиновлар [11] ислом молияси масалаларида ўзларини илмий ишларини олиб боришган. Ушбу олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари, ислом банкчилигини мамлакатда ташкил этиш масалалари, сукук исломий қимматли қоғози амалиётини жорий қилиш, инвестицион лойиҳаларни исломий молиялаштириш самарадорлигини ошириш ва ислом молиявий институтлар фаолиятига оид бўлиб, инвестициялар оқимини оширишда исломий инвестицияларни кенг жалб қилиш масаласи бўйича тор доирадаги илмий ишлар етарлича тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда ички ва хорижий инвестициялар оқимини оширишда ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни жалб қилиш ва шу орқали инвестицияларни диверсификация қилиш мақсади билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақоламизда асосан миқдорий тадқиқот усулидан фойдаланилди. Жумладан, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди (1-расм).




1-расм. Тадқиқотни амалга ошириш босқичлари [12]

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ҳалол секторлари, инфратузилма ва сукук қимматли қоғозларига кенг миқёсда инвестиция киритилиши сабабли, жаҳон бўйлаб исломий молия саноати тез суръатларда кенгайиб бормоқда.


Ислом Молиявий Хизматлар Кенгаши (2022) маълумотларига кўра, 75 дан ортиқ мамлакатларда 500 дан ортиқ ислом банклари ва ислом банки бўлимига эга тахминан 191 та анъанавий банклар мавжуд [1]. Глобал исломий молия саноатининг учта асосий йўналиши банк иши, капитал бозорлари ва Такафул (исломий суғурта) ҳисобига йилига икки хонали ўсиш рақамини қайд этиб бормоқда. Ушбу саноатга энг катта ҳисса қўшувчи йўналиш ислом банки сектори бўлиб, унинг қиймати 1,99 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Исломий банклар жаҳон банк активларининг 6 фоизини ташкил қилади.



2-расм. 2012-2020 йилларда Ислом молияси активларининг ўсиши (миллиард АҚШ доллари) [13]

Жаҳонда содир бўлаётган бир қанча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга қармасдан глобал ислом молия саноати ўзининг ўсиш йўлида давом этмоқда. Хусусан, 2020 йилда пандемия ҳолатига қармасдан ўтган йилга нисбатан 17,4 фоизга ўсиб, 3,374 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 3,958 трлн АҚШ долларни қайд этди ва ўтган даврга нисбатан 17,3 %га ўсди. 2023 йилда кечаётган вазиятлар ва ўтган даврлардаги омилларни ҳам ҳисобга олинса, 2026 йилга бориб тахминий жами глобал активлар 5,9 трлн АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда.

Ирон жаҳонда энг кўп капиталга эга ислом молия тизимига эга бўлиб, умумий исломий молия активлари миқдори 1,235 трлн. АҚШ долларини ташкил этади. Кейинги ўринда Саудия Арабистони туради ва активлари миқдори 896 млрд. АҚШ долларини. Ундан кейинги ўринларда Малайзия, БАА, Қатар, Қувайт, Индонезия, Бахрайн, Туркия ҳамда Бангладеш ислом молия саноатига эга йирик мамлакатлар ҳисобланади.




3-расм. Глобал Ислом молияси активлари миқдори (млрд. АҚШ долларарида)
[13]

3-расм маълумотларига кўра, Ирон ва Судан умумий банк активлари улушида 100% исломий банк активлари ташкил этувчи икки мамлакат ҳисобланади. Саудия Арабистонида эса жами банк активларида исломий банкларнинг улуши 77,2%ни ташкил қилган. Ундан кейинги ўринларда Бруней (58%), Қувайт (51,9%), Малайзия (31,5%), Қатар (28,1%), Бангладеш (26,3%), БАА (23,9%), Иордания (21,3%), Бахрайн, Покистон, Уммон, Афғонистон, Ироқ, Индонезия, Туркия, Миср, Қирғизистон, Қозоғистон, ЖАР ҳамда Буюк Британия каби мамлакатлар эгалаган.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ислом молия саноати нафақат мусулмон мамлакатларида балки, мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Жумладан, мусулмон бўлмаган мамлакатларда - Ғарбий Европа, АҚШ, Канада ва Австралияда истеъмол сегменти (мусулмон иммигрантларнинг маҳаллий жамоаларига қаратилган) ва корпоратив сегмент (биринчи навбатда Форс кўрфазининг нефт қазиб чиқарувчи мамлакатларидан инвестицияларни жалб қилишга қаратилган) сифатида фаол ривожланмоқда [14].

Бу йўналишда юқори муваффақиятга эришган мамлакат сифатида Буюк Британияни айтишимиз мумкин. 4-расм маълумотлари бўйича ҳам Буюк Британияда ислом банкларининг улуши ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. Тўғри 0,1% жуда кичик улуш ҳисобланади, лекин, банкларнинг активлари бу мамлакатда бир неча трлн АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда ушбу активларда ислом банкларининг улуши 0,1% ни ташкил этиши ҳам катта миқдорни қайд этади. Мамлакат активлари қиймати 19 миллиард доллар бўлган 22 та ислом банклари (фақат олти та банк маълумотларига кўра) ва активлари қиймати 300 миллион доллар бўлган 34 та ислом инвестиция фондлари фаолият юритмоқда ва Лондон фонд биржасида умумий суммаси 24 млрд. долларга тенг 43 та сукук чиқарилган. Буюк Британия тажрибаси шуни кўрсатадики, ислом молияси мавжуд банк сектори бозор сегменти учун жозибador бўлиб, бунда 22 та ислом банкларидан 17 таси маҳаллий анъанавий банкларнинг исломий дарчалари ва фақат 5 таси Форс кўрфази давлатларининг инвесторлари томонидан асос солинган тўлақонли ислом банкларидир [15].



4-расм. 2021 йилда жами банк активларида ислом банкларининг улуши (фоизда) [1]

Бугунги кунга келиб, Лондон ислом қимматли қоғозлари учун дунёдаги энг йирик бозор сифатида кўрилади. Мамлакатда ислом молиясига қаратилаётган кучли эътибор сабабли, араб дунёсидан ушбу мамлакатга инвестициялар киритиш кўлами ошган. Бундан ташқари, илмий ишимиз сифатини янада ошириш мақсадида мусулмон мамлакатларидан Бангладеш, Уммон султонлиги ва Индонезияда ислом молия тизимининг ривожланиши амалиёти билан ҳам қисқача танишиб чиқамиз.

Бангладешнинг иқтисодий ўсиш суръати 5,57 фоиздан (2010 йил) 7,2 фоизга (2022 йил) ошган. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ислом банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг маблағларга бўлган талабини қондирилиши, шунингдек, ушбу йўналиш ўлароқ ички ва хорижий инвестицияларнинг ошиши мамлакатнинг иқтисодий ривожига катта хисса қўшган. Бугунги кунда, ислом банклари ушбу мамлакатнинг умумий банк тизимида 26,3 фоиз улушни эгалайди.

Навбатдаги мамлакат Уммон султонлиги бўлиб, ушбу мамлакатда ислом молияси 2012 йилда амалиётга тадбиқ қилинган. Ушбу даврдан то ҳозирги давргача ислом молия тизими ўзини ривожланишининг бир неча босқичини босиб ўтиб, бугунги кунга келиб, умумий банк активлари улушида ислом банклари активлари 15,3 % (2022 йил)ни ташкил этади. Бу мамлакат ислом молияси саноати кўлами бўйича жаҳонда 15 ўринни қайд этади [16].

Индонезияда ислом банк-молия тизими 1992 йилда Банк Муамалат Индонесиа (БМИ)ни ташкил этиш билан шакллана бошлаган.

Филиппин (1973) ва Малайзия (1983) каби мусулмонлар кўп бўлган мамлакатларга нисбатан Индонезияда ислом банкларининг ташкил этилиши кеч бошланган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, бунинг асосий сабаби сифатида мусулмон жамияти ва ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмагани (сиёсий ироданинг йўқлиги) билан боғлиқлиги аниқланган [17].

Индонезияда ислом банкини ташкил этиш ҳаракатлари Иккинчи жаҳон урушидан олдин бошланган, лекин фақат 1990 йилларга келиб бу мақсад амалга ошган.

Индонезияда ислом банкини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич - фикрлаш босқичи, иккинчи босқич - тайёргарлик ва шаклланиш ёки амалиётга жорий этиш босқичи, учинчи босқич - шаклланишдан кейинги босқич.

Дунёдаги энг кўп мусулмон аҳолиси бўлган Индонезия исломий молия бозорида еттинчи ўринда турадиган йирик исломий молия саноатига эга мамлакат ҳисобланади. 1999 йилда иккита ислом банк мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда 164 та исломий қишлоқ банклари, 14 та тўлиқ ислом банклари ва 19 та исломий дарчалар мавжуд.

Индонезиянинг исломий молия активлари 2021 йилда 128,3 миллиард АҚШ долларигача ошди. Ушбу кўрсаткич, Индонезия ҳукумати, халқаро молия институтлари ва хорижий инвестициялар томонидан ривожланаётган саноатни қўллаб-қувватлаётганлиги сабабли бу тенденция давом этиши кутилмоқда.

Ислом банки, ислом қимматли қоғозлари (сукук), лойиҳа ва инфратузилмани молиялаштириш, ислом суғуртаси (такафул) ва ислом микромолиялаш соҳасида ижобий белгилар билан Индонезия сўнгги йилларда Малайзия ва Баҳрайн каби исломий молия юрисдикцияларига қарши кучли рақиб эканлигини исботлади.

Исломий банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф этувчи банклар ва молия ташкилотлари сони кенгайди ва халқаро сармоядорлар ислом капитал бозорларининг кенгайиш имкониятларини эътироф этиб, мамлакатга оқиб келмоқда.

Умуман, бугунги кунга келиб, 500 дан зиёд ислом банки ва молия муассасаларининг ялпи активлари 4 триллион АҚШ долларига яқин бўлиб, йилига 15-20 фоизга ўсмоқда. Шу маънода, мусулмон давлатлардаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган ташкилотлар маблағини Ўзбекистон иқтисодиётига, хусусий секторини қўллаб-қувватлашга жалб этиш айни муддаодир [18].

Ўзбекистонда Исломий молиялаштиришга асослаган амалиётлар 2004 йилда бошланган бўлиб, бу мамлакатимизнинг Ислом тараққиёт банки (ИТБ)га аъзо бўлиб кириши билан кечган.

Бугунги кунга қадар ушбу банк томонидан жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик суви тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган [19].

2004 йилда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш учун “ижара” ва “муробаҳа” шартномаларидан фойдаланилган. Бироқ ИТБ Ўзбекистонда ўз фаолиятини мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаган ва бу аъзо бўлмаган давлатларнинг мусулмон жамоаларини қўллаб-қувватлаш дастури орқали грант лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлган [2].

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банкидан ташқари ушбу банк гуруҳига кирувчи Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) аъзоси ҳам ҳисобланиб, ушбу корпорация томондан 400 миллион долларга яқин лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилган. Мазкур корпорация мамлакатда лойиҳаларни асосан “муробаҳа” шартномаси асосида молиялаштириб келган.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) гуруҳи томонидан лойиҳаларни молиялаштиришда асосан муробаҳа, истисноъ ва ижарага асосланган молиялаштириш усулларида фойдаланилган [2].

Мазкур молиялаштириш усулларида Ислом тараққиёт банки ёки ХСРИК томонидан тақдим қилинган шартномалар ишлатилади.

ХСРИК томонидан молиялаштиришнинг асосан муробаҳа воситаси кенг қўлланилади ва унинг 70% дан ортиғи банклар орқали молиялаштириш линияларига тўғри келади, қолган 30% эса тўғридан-тўғри молиялаштиришдир. Хусусий секторнинг бу лойиҳалари иқтисодийнинг турли тармоқлари, хусусан, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда [2].

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ИТБ ва ХИСМК аъзолигига қўшилган мамлакатларнинг охиригиси бўлишига қарамай, иккала ташкилотнинг портфели бўйича минтақада биринчи ўринда туради. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати ва ХСРИК ўртасида савдо операцияларини молиялаштириш мақсадида 100 млн. долларлик ҳадли битим имзоланди. Унга кўра корпорация Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзолигига қадар савдо лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга бўлди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлгандан сўнг, 2018 йидан 2022 йилга қадар ташкилот томонидан Ўзбекистондаги тижорат банклари, жумладан, Азия Альянс Банк, Трастбанк, Капиталбанк, Туронбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк, Инфинбанк ва Алоқабанкларга 423 миллион АҚШ доллари миқдоридagi муробаҳа молиялаштириш линияси тақдим этилган.

Исломий молия маҳсулотларидан мамлакат иқтисодий субъектларининг фойдаланиши учун қонуннинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланиб, афсуски, Ўзбекистон Республикасида исломий молиялаштиришга доир алоҳида қонунчилик мавжуд эмас. Ислом тараққиёт банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси томонидан мамлакатимизда молиялаштирилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 371-сонли қарори ва 2004 йил 21 декабрдаги қарорига асосан амалга оширилади. Уларга кўра Ўзбекистон ҳукумати ИТБ ва ХСРИКни ташкил этиш тўғрисидаги келишув моддаларини қабул қилган.

Қуйида 3-жадвалда 2004-2021 йилларда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки билан биргаликда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари доирасида қабул қилинган қарорлар таҳлили келтирилган бўлиб, лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган ва лойиҳа якунида ушбу қарорлар ўз кучини юқотган. Жумладан, Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 февралдаги 65-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим

қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган. Қолган 1-жадвалдаги қарорлар ҳам мазкур қарор каби лойиҳалар якунлангандан сўнг ўз кучини йўқотган.

1-жадвал

2004-2021 йилларда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки билан биргаликда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари доирасида қабул қилинган қарорлар [14]

Қарорнинг номи	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн АҚШ доллари)	Ислом тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган сумма (млн АҚШ доллари)
2004-2007		
Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 февралдаги 65-сон қарори	853.8	347.3
2006-2009		
Ислом Тараққиёт Банки иштирокида “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2006 йилдаги 104-сон қарори	34 544 520	
2007-2009		
«Бешта касб-ҳунар коллежини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини Ислом Тараққиёт Банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2007 йилдаги ПҚ-713-сон қарори	10 500 000	
2012		
Ислом Тараққиёт Банки иштирокида “Ўзбекистон Республикаси Онкология муассасаларини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.09.2012 йилдаги ПҚ-1821-сон қарори	37 040 000	
2013-2016		
Ислом Тараққиёт Банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсокин тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.11.2012 йилдаги ПҚ-1849-сон қарори	90 370 000	
2015-2016		
Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши доирасида Ислом Тараққиёт Банкининг жалб этилган молиявий маблағларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2015 йилдаги 189-сон қарори	100.0	
2017-2021		
Ислом Тараққиёт Банки иштирокида “Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларида канализация тизимларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2017 йилдаги ПҚ-2798-сон қарори	57.5	
2017 - 2021		

	Ислом Тараққиёт Банки иштирокида 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.03.2017 йилдаги ПҚ-2859-сон қарори	300.0
2015-2019		
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3011-сонли қарори доирасида қуйидаги қарорлардан ўрин олган лойиҳалар мақсади давом этган ва амалга оширилган: 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Тошкент-Термиз М39 автомобиль йўлини қайта қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-1433-сонли қарори. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 декабрдаги «Саудия Арабистони тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Ғузор-Чим-Кўкдала 4Р87 автомобиль йўлини қайта қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1671-сонли қарори. 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Тошкент-Термиз М39 автомобиль йўлини қайтақуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1433-сонли ҳамда 2011 йил 28 декабрдаги «Саудия Арабистони тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Ғузор-Чим-Кўкдала 4Р87 автомобиль йўлини қайта қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1671-сонли қарорлари.	167.2
2021		
0	Ислом Тараққиёт Банки ва ОПЕК Халқаро Тараққиёт Жамғармаси иштирокида «Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.09.2021 йилдаги ПҚ-5246-сон қарори	275.0
	Жами	1 466 731 800

Ўзбекистонда ислом молия тизимини амалга ошишини таъминлаб берувчи алоҳида қонунчилик мавжуд эмаслиги, мазкур тизимни тўлиқ ишлашини ва кенгайишини таъминлаб бераолмайди.

Жорий қонунчилик тижорат банклари томонидан исломий молиялаштириш хизматларини таклиф қилишга тўсқинлик қилади. Хусусан, солиқ қонунчилиги, банк қонунчилиги банкларга маҳсулотларни сотиб олиб сотишга рухсат бермайди.

Солиқ қонунчилигига кўра, агар банклар исломий молиялаштиришга асосан асбоб-ускуна ёки технологияни молиялаштирса, уларга нисбатан ҚҚС қўлланилади ёки исломий молиялаштиришда тўлов кечиккани учун жарима олиш мумкин эмас, агар интизомга чақириш мақсадида олинса ҳам у пуллар алоҳида ҳисоб вараққа туширилиб хайрия мақсадида ишлатилади. Бироқ солиқ органлари томонидан бу жарима фойда сифатида кўрилади ва солиққа тортилади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддаси 6-банди қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисоб варағига киритишга доир талабларни белгилайди, аммо бундай ёндашув фақатгина анъанавий банкларга хос бўлиб, исломий молия институтларига тўғри келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил Олий Мажлисга мурожаатида: «Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва

бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади» – деб таъкидлаган эдилар [20]. Шундан сўнг, исломий молиялаштириш тизимининг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича кенг кўламли сай-ҳаракатлар бошланди. Жумладан, 2022 йилнинг 20 апрелида “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сон қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунчиликдаги ўзгаришлар Ислом молияси мамлакатимизда ҳуқуқий статус олаётганини англатсада, лекин, Ислом молиявий хизматларини таклиф қилиш нобанк ва микромолиялаш ташкилотлари томонидангина таклиф қилиниш чекловлари мамлакатимизда Ислом молиясининг ривожланиши учун зарурий ечим эмаслигини айтиб ўтиш керак. Чунки, Нобанк ва микромолиялаш ташкилотларининг актив ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг молия секторидаги улуши атиги 0,29% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, қонунда аҳолидан омонат қабул қилиш ва уларни ислом молияси тамойиллари асосида инвестиция (масалан мудораба) қилиш имконияти йўқ; Ислом молияси асосий маҳсулотларидан бўлган шериклик (мушорака) ва талаб асосида молиялаштириш (истисна) фаолияти чекланган; ижара фаолияти чекланган, хусусан жисмоний шахсларга ижарага маҳсулот бериш имконияти кўзда тутилмаган; Ислом молияси тамойиллари асосида узоқ муддатли уй сотиб олишни молиялаштириш (мушорака мутанақиса) имкони мавжуд эмас [21].

Тадқиқотмизни давом этирган ҳолда, жаҳонда инвесторлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг қўланиладиган, мамлакатни инвестицион муҳитини баҳолашда самарали усул ҳисобланадиган “PESTEL” таҳлил методидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда исломий молиялаштиришни ривожлантиришга доир мамлакатнинг инвестиция муҳитини таҳлил қиламиз.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкинки, ислом молиясини ривожланишида тўсиқ бўлиб турган омиллар сиёсий, қонуний ва ижтимоий жабҳаларда намоён бўлади. Жумладан, маълум бир

қонунчиликни мавжуд эмаслиги, ҳукуматнинг етарлича эътибор қаратмаётганлиги, аҳолини ушбу соҳа бўйича етарлича маълумотга эга эмаслиги, тадқиқотларни етарлича олиб борилмаганлиги, янада умумий қилиб айтганимизда ушбу соҳа учун инфратузилмани шаклланмаганлигида муаммоларни кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистонда исломий молиялаштириш ривожланишининг PESTEL методи таҳлили [12]

Р – сиёсий	Ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестиция фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган инвесторлар учун инвестиция муҳитини ўрганиш бўйича маълумотларни етарлича мавжуд эмаслиги (кўп расмий маълумотларни ёпиқлиги, масъул вазирликларнинг расмий сайтларида статистик маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги); Ислом молиясини мамлакатда жорий қилиш йўлидаги ишларга етарлича эътибор берилмаётганлиги; сўнги йилларда давлат раҳбарининг ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш йўлида амалга ошираётган чора-тадбирлари; мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги (BERI ва бошқа бир нечта халқаро индексларда сиёсий барқарорлик бўйича юқори позицияга эгалиги); коррупция ҳолатларининг камайиб бораётганлиги (“Corruption index”да 2022 йил Ўзбекистон 180 мамлакат ичида 126 ўринни эгаллади. 2014 йил билан
------------	--

	таққослаганда 166 чи ўриндан 126 ўринга кўтарилганлиги, 40 та поғонага яхшиланганидан далолат беради).
Е – иқтисодий	Мамлакатни табиий ресурсларга бойлиги; иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги; инвестициялар оқимининг ошиб бораётганлиги; мамлакатни Жаҳон савдо ташкилотига кириши билан боғлиқ сўнги қадамларни ташланаётганлиги; ташқи савдо айланмасининг ошаётганлиги; айирбошлаш курсининг юқорилиги ушбу йўналиш учун ҳам ноқулайлик туғдиради; аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг паст рейтинги; ишсизликнинг юқорлиги (9,4%).
S – ижтимоий	Исломий молия маҳсулотлари билан ишловчи тажрибали ходимларнинг етишмаслиги; аҳоли ва бизнес вакилларининг анъанавий банк-молия тизимига ўрганиб қолганлиги ва янги тизим уларнинг ишончини қозониши учун муайян муддат талаб қилиниши; Ислом банк-молия тизимининг молиявий маҳсулотлари нархи анъанавий молия маҳсулотларидан арзон эмас, баъзида эса хатто қиммат ҳам бўлиши мумкинлиги фоиз кўринишидаги амалиётга ўрганиб қолган аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан талабни кам бўлиш эҳтимоли; кўпчилик ислом молияси моҳияти ва тамойилларини яхши тушунмайди, яъни бу тизим бўйича тушунчани етарли шаклланмаганлиги; Исломий молия маҳсулотлари бўйича шартномаларни аҳоли орасида тушуниш қийин деб ҳисобловчиларининг мавжудлиги; Фирибгарлик хатари. Сохта исломий молиялаштириш муассасасининг пайдо бўлиши аҳолининг умуман исломий молиялаштиришга ишончи йўқолишига олиб келиши эҳтимоли борлиги; Исломофобия. Ушбу саноат терроризм ва экстремистик ташкилотларга алоқадорлиги тўғрисида бази аҳоли вакиллари орасида турфа янглиш фикрлар мавжудлиги; Ислом молиясини тушунмаслик натижасида маҳаллий тижорат банклари хусусий ҳиссадорлари тарафидан қаршилиқни кўрсатилиши; Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми (87%) исломга эътиқод этгани сабабли, мазкур молиявий маҳсулотларга барқарор талабнинг кутилиши.
T– технологик	Аҳолининг технологияларни ишлатиш бўйича малакасининг юқорилиги; рақамлаштириш ишларининг тез ўсиб бораётганлиги; сўнги йилларда электр энергияси ишлаб чиқаришда қуёш панелларини ўрнатиш кенг тарғиб қилинаётганлиги бу амалиётни эса молиялаштириш учун катта миқдорда маблағ талаб қилинишини инobatга олса, исломий молиялаштиришга бўлган талабни ошиши;
Е – атроф-муҳит	Табиий офатлар бўлиши ҳафининг камлиги; мамлакатнинг бази ҳудудларида хавонинг ифлосланиши юқорилиги сабабли атроф муҳинти яхшилаш учун солиқ миқдори оширилиши мумкинлиги ёки корхиналарни у ҳудудлардан кўчирилиши эҳтимоли;
L – ҳуқуқий	маҳаллий солиқ ва банк қонунчилигининг исломий молиялаштириш хусусиятига нисбатан бўшлиги ва мослашмаганлиги; амалдаги қонунчиликда тизимлиликнинг йўқлиги; 2022 йилнинг 20 апрелида “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сон қонун қабул қилинган. Мазкур қонунчиликдаги ўзгаришлар Ислом молияси мамлакатимизда ҳуқуқий статус олаётганини англатсада, лекин, Ислом молиявий хизматларини таклиф қилиш нобанк ва микромолиялаш ташкилотлари томонидангина таклиф қилиниш чекловлари мамлакатимизда Ислом молиясининг ривожланиши учун зарурий ечим эмаслиги;

исломий молиявий маҳсулотларни солиққа тортиш билан боғлиқ жиддий муаммолар;
қонунчиликнинг ижросини тامينлаш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;
инвесторларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ислом банк-молия тизимини ривожлантириш орқали ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шу орқали инвестицияларни диверсификация қилиш зарурати, нафақат жисмоний шахслар балки юридик шахслар томонидан ҳам катта талаб билан кутилаётган йўналиш ҳисобланади. Хусусан, 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ўтказилган сўровномада Ислом банк-молияси маҳсулотларига талаб юқори эканлиги аниқланган. Жумладан, жисмоний шахсларнинг 55 фоизи, юридик шахсларнинг 38 фоизи диний қарашлари сабаб анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини кўрсатишган бўлишса, юридик шахсларнинг 61 фоизи ва жисмоний шахсларнинг 75 фоизи агарда Ислом банк-молия муассасалари Ўзбекистонда фаолият бошлашса, ўз молиявий амалиётларини Ислом молия муассасаларида олиб боришларини айтишган. Бундан ташқари, “Ислом тамойилларига асосланган даромад келтирувчи омонат ёки шериклик битимларига қанча маблағ йўналтирган бўлардингиз?” деган саволга 26,31 фоиз жисмоний шахслар 1 млн.дан - 5 млн. сўмгача бўлган, 23,69 фоизи эса 20 млн.сўмдан кўп бўлган (бўш) маблағларини ислом банкларига омонат сифатида қўйишга тайёр эканликларини билдиришган. Мазкур сўровнома натижаларидан англашимиз мумкинки, Ислом банк-молия тизимининг мамлакатимизда жорий қилиниши биринчи навбатда ички инвестицияларни рағбатлантиради, яъни бугунги кунда яширин иқтисодиётда айланаётган маблағларни расмий банк тизимида жалб қилиш имкониятини берибгина қолмасдан, Ислом молияси учун зарур инфратузилмани шакллантириш Ислом молияси ривожланган Араб дунёси мамлакатларидан ҳамда Малазия, Покистон, Индонезия, Туркия ва бошқа бир нечта мамлакатлардан Исломий молия йўналиши бўйича хорижий инвестицияларнинг жадал суръатларда кириб келишига сабаб бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотимиз натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ислом молияси Ўзбекистонда нафақат тадбиркорлар учун ва балки жисмоний шахслар учун ҳам зарур бўлган янги соҳадир. 2004 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда исломий молиялаштирилган махсус инвестицион лойиҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2,9 млрд. АҚШ долларидан зиёддир. Аммо, мазкур инвестицион лойиҳаларнинг катта қисмини давлат инвестицион лойиҳалари бўлса, айрим хусусий сектор вакилларига кўрсатилган муробаҳа исломий молиялаштириш амалиётлари махсус лойиҳалар доирасида ХСРИК томонидан амалга оширилган. Лекин, хусусий секторнинг исломий молиялаштиришга бўлган талаблари тўлалигича қондирилмаган. Бунда энг катта муаммо сифатида тегишли меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги бўлса, шу билан биргаликда керакли инфратузилманинг мавжуд эмаслиги жумладан, ҳуқуқий, тартибга солиш, назорат, ликвидликни бошқариш, солиқ режими, молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимининг мавжуд эмаслиги,

инвестицион лойиҳаларни баҳолай оладиган салоҳиятли кадрларнинг етарли эмаслиги, мавжуд талабга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги каби бир қанча масалалар ҳозиргача очиқ қолаётганлигидадир.

Ислом молия тизимига оид юқорида қайд этилган илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси, энг аввало, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, тегишли инфратузилмани шакллантириш, аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш, инвестор давлатлар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Олиб борган тадқиқотимиз натижалари, жумладан, Ўзбекистондаги ушбу йўналиш бўйича мавжуд амалиёт, юқорида ўрганилган мамлакатлар тажрибаси ва ушбу соҳа мутахассисларининг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши керак бўлади:

1. Ўзбекистонда ислом молиясини ривожланиши учун алоҳида қонунчиликни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

2. Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонунлари жумладан, солиқ қонунчилиги, банк қонунчилиги ва бошқа бир нечта қонунларни ислом молияси табиатига зид келган бандларини ҳисобга олсак, ушбу соҳани тўлиқ ишлаши учун қонунларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

3. Ислом молияси бўйича мамлакатда илмий тадқиқотлар сонини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш;

4. Инвесторлар томонидан амалга ошириладиган “PESTEL” таҳлил ва шу каби рискни тўғри баҳолашга ёрдаб берадиган дастлабки таҳлил методларига керак бўладиган, инвестицион муҳитни баҳолаш учун зарур бўладиган маълумотлар базасига эга бўлишлари учун масъул вазирлик ва уларнинг таркибидаги ташкилотларнинг веб сайтларида очиқ маълумотлар сонини ошириш, қолаверса, уларнинг шаффофлигини таъминлаш;

5. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтларида ислом иқтисодиёти ва молияси йўналишида мутахассиларни тайёрлаш;

6. Аҳоли ва бизнес вакиллари ислом молияси бўйича билимларини оширишга қаратилган чора-тадбирлари амалга ошириш.

Мазкур мақоламизда келтирилган таклифларни амалиётга жорий қилиниши мамлакатда ислом иқтисодиёти тамойиллари асосида инвестициялар оқимининг ошишига олиб келади. Ушбу йўналишда истиқболли ишларимиз давом этмоқда ва келгуси илмий ишларимизда тадқиқотимизнинг натижаларини тақдим этиб борамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Islamic Financial Services Industry (IFSI) Stability Report 2022
2. Байдаулет, Е.А. Исломий молия асослари [Матн] / Е.А. Байдаулет. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.
3. Беккин Р.И. Ислом иқтисодий модели ва замон. Б. Жўраев таржимаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 360 б.

4. Имамназаров Ж.М. Ислом молия тизими имкониятларидан Ўзбекистон иқтисодиётида фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш 08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси. PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т; 2023

5. <https://www2.deloitte.com/lu/en/pages/islamic-finance/articles/principles-islamic-finance.html>

6. Аббасов С.З. Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари. 08.00.07-Молия, пул муомиласи ва кредит PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т; 2020

7. Gait, A. and Worthington, A. (2008). An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, *International Journal of Social Economics*, 35(11), 783-808.

8. Lewis M.K. and Algaoud L.M. (2001). *Islamic Banking*. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd.

9. Usmani Muhammad Taqi. “Sukuk and their contemporary applications. (2007)” Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari’a Council meeting, Saudi Arabia. 15 p.; Muhammad Jamal Haider, Gao Changchun, Tayyaba Akram, Syed Talib Hussain Exploring Gender Effects in Intention to Islamic Mobile Banking Adoption: an empirical study *Arab Economic and Business Journal Volume 13, Issue 1*, June 2018, Pages 25-38, Ledy Mahara Ginting, Nafisah Ruhana Legal and Regulatory Framework of Islamic Banking and Finance: A Study in Singapore *International Journal of Management and Applied Research*, 2019, Vol. 6, No. 4, Mariatul Aida Jaffar, Rosidah Musa Determinants of Attitude and Intention towards Islamic Financing Adoption among Non-Users *Procedia Economics and Finance Volume 37*, 2016, Pages 227-233.

10. Антропов В.В. Исламские финансы в глобальной экономике: современные тенденции перспективы. Причины появления исламских финансов // *Экономический журнал*. 2017. №48. с. 57-77; Мокина Л.С. Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России // *Российское предпринимательство*. 2017. Том 18. №22. с. 3429-3446; Трофимова О. Мусульмане и ислам в Западной Европе // *Мировая экономика и международные отношения*. 2009. №10. с. 52-62; Зарипов И.А. Малайзия – флагман исламских финансов // *Вестник финансового университета*. 2016. №4. с. 118-129

11. Хасанов Х. Ахлоқий (исломий) молиялаштириш тизими – инновацион молиялаштириш востиси сифатида (Ўзбекистон ва МДҲ мисолида). “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, 2017 й.; Имамназаров Ж. Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш истиқбол ва имкониятлари. «Бозор, пул ва кредит». – Тошкент, 2018. - №9. – С. 30-37.; Султанов М. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. -Т.: ТДИУ, 2019. 58 б.; Турсунов А.С. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07-Молия, пул муомиласи ва кредит PhD илмий даражаси диссертацияси /ТДИУ Т; 2021

12. Муаллифлар томонидан шакллантирилган

13. ICD-REFINITIV Islamic Finance Development Report 2022

14. P.X. Зайниддинов ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИННИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ТЎСИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАР. 2/2022, mart-aprel (№ 00058). “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a4. 27-41 b.

15. Mozgovyj, O.M., Subochev, O.V., Jurkevych, O.M.: Suchasnyj stan industriji islamskykh finansiv: statystyka jakisnogo rozvytku (Current state of islamic finance industry: development data). Investyciji: praktyka ta dosvid. 7, 8–14 (2017)

16. Cambridge Institute of Islamic Finance (Cambridge-IIF), Ajman University Center for Excellence in Islamic Finance (AU-CEIF) Global islamic finance report 2021

17. Mutiara Dwi Sari, Zakaria Bahari, Zahri Hamat. History of Islamic Bank in Indonesia: Issues Behind Its Establishment. International Journal of Finance and Banking Research. Vol. 2, No. 5, 2016, pp. 178-184. doi: 10.11648/j.ijfbr.20160205.13

18. Dilmurod Yusupaliyevich Khujamkulov; Ruhiddin Khusniddin Ogli Zayniddinov Improving the Use of Islamic Banking Services in Financing Investment Projects in Uzbekistan REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS (Management, Innovation and Technologies) ISSN: 2237-0722 Vol. 11 No. 2 (2021) Received: 12.04.2021 – Accepted: 04.05.2021 <http://www.revistageintec.net/>

19. https://uza.uz/uz/posts/islom-taraqqiyot-bankining-toshkent-anzhumani_298637

20. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-moliyasi-2021-sarhisobi/>

21. <https://azon.uz/content/views/islomiya-moliya-hizmatlari-tushunchasi-il>